
МАҲАЛЛАЛАРДА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР БОШЛАНДИ

Туманимиз аҳолсининг юртимиз ва дунёда бўлаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазиятдан хабардор қилиш, ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини жамоатчиликка таъсирчан усулларда етказиш, шунингдек, аҳолининг кайфиятини кўтаришга қаратилган маданий-маърифий тадбирлар бошланди.

Соҳавий йўналишлар бўйича ташкил этилган тарғибот гуруҳлари иштирокидаги тадбирлар бугун туманимизнинг Янгиқўрғон, Маслаҳат, Инғирчоқ, Юқори Манғит ва Бачқир МФЙларида бўлиб ўтди.

Туман ҳокими Беҳзод Ибрагимов ушбу тадбирларда иштирок этди ва дунёда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий вазият, юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида гапириб ўтди.

Ўзбекистон давлат маданият ва санъат институти Қўқон филиали ўқитувчилари юртимизда рўй бераётган ўзгаришлар, олиб борилаётган оқилона сиёсат тўғрисида йиғилганларни хабардор қилдилар.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар, ака-ука Мухсинбек ва Яҳёбек Мўминовлар, хушовоз хонандалар Нурали Рўзиев, Аъзамжон Дориповлар ижросидаги дилтортар қўшиқлар, ҳудудлардаги мактабларнинг иқтидорли ўқувчилари айтган она ватанни улўғловчи шеърлар тадбир иштирокчиларига завқ-шавқ улашди.

Тадбирда маҳалла тадбиркорларининг кўрғазмалари ҳам намойиш этилди.

Ушбу тадбирда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш, Маданият, Маънавият туман бўлимлари раҳбарлари ҳам фаол иштирок этдилар.

Туманимиздаги 55 та МФЙларида ана шундай маданий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтади.

Бувайда тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2020-11-20 11:22:03